

Барчани ҳайратда қолдирган устоз



14:00 / 22.06.2022 3232

Америкалик ёзувчи Ральф Сиу ўзининг «Султонлар касби» китобида бир кураш устаси ҳақида гапиради. Кураш устаси рақибини енгишнинг 360 та усулини билар экан. У бир шогирдини яхши кўриб қолиб унга 359 та усулни ўргатиб 1 та усулни ўргатмасдан сақлаб қолибди.

Кунлар ўтиб ўша шогирд катта кураш устаси бўлиб етишибди. Ҳеч ким унга қарши курашишга журъат қила олмас экан. Шогирд ўзининг кучидан фахрлана бошлабди. Иш шу даражага етибдики, шогирд султонга ҳатто ўзининг устозини ҳам енгишини айтибди.

Султон шогирднинг устозига бўлган беодобона тасарруфидан ғазабга келибди. Дарров устоз билан шогирд ўртасида жанг ташкил қилиш ҳақида буйруқ чиқарибди. Тайинланган кунда икки рақиб жанг учун ҳозирланибди. Қўнғироқ чалиниши билан биринчи раунд бошланибди.

Шогирд ғалаба умидида устозига ташланибди. Аммо устоз барчани ҳайратда қолдириб шогирдини боши узра кўтариб ерга урибди. Султон ҳайрон бўлиб устоздан сўрабди:

- Қандай қилиб бу ёш шогирдингни енгдинг?

Устоз дебди:

- Битта усулимни мана шу кун учун яшириб қўйган эдим!».

Сизга бир нарсани ўргатган инсон гарчи ўзида битта усулни сақлаб қўймаган бўлсада, унга қарши чиқишингиз одобга зиддир. Инсоннинг куни келиб ўзидан фазилатли инсонга сакраши адаб доирасидан ташқаридаги нарсадир.

Сизга «дада» деган сўзни ўргатган кишини гарчи энг нуфузли олийгоҳдан дипломингиз бўлсада билимсиз деб мазаҳ қилманг. Бу оққ бўлиш у ёқда турсин, ўта одобсизликдир. Бу бефаҳмликка далолат қилади. Фаҳм бошқа нарса, диплом бошқа нарсадир!

Гарчи сизда Сулаймон алайҳиссаломнинг подшоҳлиги, Қоруннинг мулки бўлсада, сизни қорнида кўтариб қанча алам тортган, эмизган, илигингиз тўлгунича тарбия қилган, орқангизни қўли билан тозалаган, ювган аёлнинг билимсизлигидан уялманг. Ўз аслидан хижолат бўлиб билмасликка оладиганларнинг асли йўқдир!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан вафолироқ Зот йўқ. У вафолиларни яхши кўради. Сизнинг муваффақият қозонишингизда, зафар қозонишингизда озгина бўлсада ҳисса қўшганларни унутманг. Уларга вафоли бўлишингиз айна адабдир!

Барча инсонларга вафоли бўлинг!

Абдулқодир Полвонов